



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 108 (12.419)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Саноат

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — СИФАТ КАФОЛАТИ

Бугун бозорларимизда ҳамма нарса бисёр. Дўконларимизда бир номдаги озиқ-овқат маҳсулотининг бир неча хили тахлаб қўйилган. Хусусан, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги корхоналарнинг ташкил этилиши ички бозорни арзон, сифатли ва рақобатбардош ширинликлар билан тўлдириш имконини бераётди.

Пойтахтимизда маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «Lazzat-Karamel» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси фаолият юритаётгани ҳам юртимизда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга қаратилган имтиёзлар самарасидир.

Элликка яқин иш ўринлари яратилган корхона қисқа фурсатда бозорда ўзининг муносиб ўрнини топаётди. Утган йилнинг ноябрида дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарган корхонанинг жорий йилнинг биринчи чорагида бозорга 300 тоннадан зиёд импорт ўрнини босувчи, экспортбон қандолат маҳсулотлари етказиб бергани бунинг ёрқин далилидир. Бу эса ички эhtiётларни таъминлаш, валюта маблағларини тежаш имконини бермоқда.

— Утган йилнинг қуздан буён «Lazzat-Karamel» савдо белгиси билан 20 турдаги конфет ишлаб чиқаряпмиз, — дейди жамият бош директори Абдуллажон Ибрагимов.

— Мевали, ёнғоқли, сутли, шоколадли карамелларимиз шулар сирасидандир. Улар мевалардан олинган табиий таъм берувчи

Юртимизда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш чоралари кўрилмоқда. Албатта, бу озиқ-овқат корхоналарини модернизациялаш, ишлаб чиқариш турларини кўпайтиришда қўл келмоқда.

маҳсулотлардан фойдаланиб тайёрланмоқда. Мазкур маҳсулотларнинг барчаси мувофиқлик сертификатига эга.

Эндиликда аҳолининг нафақат харид қилиш, балки танлаш имконияти тобора кенгаймоқда. Юқори сифатли, харидорларга манзур бўладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун эса, албатта замонавий ускуналар зарур. Шу боис корхона Германия ва Италиянинг таниқли компанияларининг энг илгор технологиялари билан жиҳозланган. Бунда эса киритилган тўғридан тўғри хорижий инвестициялар қўл келди.

— Корхонамизда барча юмушлар автоматлаштирилган ҳолда бажарилади, — дейди бош технолог Хотам Яхёев. — Ҳеч қимга сир эмас, ҳозирги ёшлар замонавий ускуналар билан ишлашни тез ўзлаштира олади. Шунингдек, уларда янгиликка интилиш, ишга бўлган иштиёқ ҳам ўзгача. Маҳсулот турлари, сифати, дизайни ҳақидаги гоа ва мулоҳазалари ҳам бисёр. Шу боис ишчиларимизнинг асосий қисmini касб-хўнара коллежларининг битирувчилари

ташқил этади. Ёшлар корхонамизда ўз ўрнини топиб, оиласига ҳам иқтисодий фойда келтирмоқда.

Корхона 2013 йилнинг 3-5 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэксспомарказ» мажмуасида ўтказилган озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ускуналарининг ўн учинчи «WorldFood Uzbekistan – 2013» ҳамда қишлоқ хўжалиги технологияларининг саккизинчи «AgroWorld Uzbekistan – 2013» халқаро кўргазмаларида иштирок этиб, дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган экспертларнинг юксак эътирофига сазовор бўлди. Бу эса корхонага «Сифат устаси» унвонини тақдим этди.

Ҳозирда корхонада маҳсулотларни экспортга чиқариш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу боис замонавий сифат менежменти тизими «ISO 9001» халқаро сифатни бошқариш сертификатини жорий қилиш мақсадида ишчиларнинг билим ва малакаларини оширишга хизмат қилувчи ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Ҳилола ВОХИДОВА

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, парламент аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган барча ислохот халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган бошқа манфаатларини янада самаралироқ муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Бюджет ва солиқ соҳаларининг ҳуқуқий асослари такомиллаштириб боришмоқда. Жаҳон тажрибаси ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашуви ва тамойилларини ўрганиш асосида янги таҳрирда қабул қилинган Солиқ кодекси солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи барча меъёр ва қоидаларни муҳассамлаштирган ҳужжат сифатида амалиётда катта қўлайликлар яратмоқда. 2008 йил 1 январдан қўлга кирган мазкур кодексда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилши билан бирга солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатчилиги, ягоналиги тамойиллари, шунингдек, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи ўз ифодасини топти.

Бундан ташқари 12 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 29 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари қабул қилиниб, солиқ қонунчилиги янада такомиллаштирилди.

Йиғилишда муҳокама этилган «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги Олий суд пленуми қарори лойиҳаси солиқ қонунчилигига киритилган юқори-

даги каби ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш — ҳар бир фуқароннинг конституциявий бурчи. Бироқ амалда жисмоний ва юридик шахслар томонидан солиқдан бўйин товлаш, солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатлари учраб туради. Хусусан, тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширишлар натижасида солиқдан бўйин товлаш ҳолатлари баробарида солиқ солинадиган базани аниқлаш ва белгиланган солиқларни ўндиришда бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани маълум бўлган. Бундай ҳолатларга барҳам бериш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларда тадбиркорлар ва солиқ идоралари ходимларининг солиқ қонунчилигига риоя этишдаги масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, бу борада суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларга тегишли тушунтиришлар бериш мақсадида суд амалиёти умумлаштирилиб, олимлар ва амалиётчилар, давлат идоралари вакиллари фикр-мулоҳазалари асосида пленум қарори лойиҳаси янада такомиллаштирилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Кўриб чиқилган масалалар қонунларни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш, одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

«Ўзбекенилсаноат» Давлат акционерлик компанияси, Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ва «Шарқ либослари» дизайн-маркази вакилларида иборат мамлакатимиз делегацияси яқинда Францияда бўлиб қайтди. Ушбу сафар чоғида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Франция Тўқимачилик саноати иттифоқи Бош ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган анъанавий мажлисида иштирок этдилар.

УЗОҚ МУДДАТЛИ ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЯДИ

Мазкур тадбир доирасида Франциянинг Тўқимачилик ускуналарини ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, Ипак ва пахта саноати федерацияси ва қатор тўқимачилик компанияларининг вакиллари билан музокаралар ўтказилди.

Мамлакатимиз делегациясининг Эпинль шаҳрига сафари чоғида эса Ўзбекистон — Франция кооперацион биржасининг ҳамда Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва кенг қўламли ўзгаришлар, хорижий сармоядорлар учун яратилган қўлай имтиёз ва преференциялар ҳақидаги атрофлича маълумотлар Франция ишбилармонларининг эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси аъзолари Парижда Эркалар либослари федерацияси, Аёллар либослари федерацияси, Франция мода институти ҳамда «Academie Internationale de Coupe de Paris» моделчилар олий мактабининг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Кези келганда шуни ҳам қайд этиш жоизки, мамлакатимиз вакиллари томонидан тақдим этилган Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғининг тараққиёти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлари уюшмаси сингари муассасаларнинг фаолияти ҳамда ҳар йили ўтказилиб келинаётган «Style.Uz» санъат ҳафталиги хусусидаги маълумотлар Франциянинг мода саноати намояндаларида катта қизиқиш уйғотди.

Франциялик ишбилармонлар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликка, жумладан, Ўзбекистон пахта толаси ва ип маҳсулотларини беvosита етказиб бериш юзасидан ўзаро алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Франция Тўқимачилик саноати иттифоқининг президенти Ив Дюбьеф Ўзбекистонни пахта етиштириш ва экспорт қилиш бўйича дунёдаги етакчи давлатлардан бири сифатида эътироф этар экан, юртимиз заминда етиштирилган пахтадан юқори сифатли матолар ишлаб чиқарилишини таъкидлади.

— Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар, жумладан, юқори малакали кадрлар, бой табиий ресурслар, солиқ имтиёзлари ва преференциялар мавжуд, деди у. — Ўзбекистон делегациясининг Франция Тўқимачилик саноати иттифоқи Бош ассамблеясининг бу йилги мажлисида иштирок этиши эса мамлакатларимиз ишбилармонлари ўртасида узоқ муддатли шериклик алоқаларининг кенгайишига хизмат қилади.

Франция мода институтининг бош директори Доминик Жакомэ Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, хусусан, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, ахборот, тажриба ва технологиялар алмашиш, ўқитувчи ва талабалар учун малака ошириш курсларини ташкил этиш юзасидан келишувларга эришилганини маълум қилди.

«Academie Internationale de Coupe de Paris» моделчилар олий мактабининг президенти Жан-Филипп Воклар Ўзбекистон мода ва дизайн бўйича ўзига хос анъаналарга эга эканлигини қайд этди.

— Мактабининг ҳар йили 120 нафарга яқин мутахассис тайёрлайди, — деди у. — Биз келажакда мактабимизга ўзбекистонлик ёш мутахассисларни қабул қилишни режалаштирмоқдамиз.

«Жаҳон» АА
Париж



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистон шаҳрида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан «Муқаддас Ватанинг порлоқ келажағимиз» деб номланган тадбир ўтказилди. Сирдарё вилояти халқ таълими, «Қамолот» ЕИХ вилоят кенгаши, «Қамолот» авлод учун» жамғармаси вилоят филиали каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган байрам тадбирида икки юздан ортиқ ўғил-қиз иштирок этди.

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари ходимлари ҳамда ўқувчилари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

● Айни кунларда жойларда галла ўрими-йиғимига тайёргарлик кўриш бўйича кўргазмали семинарлар ўтказилмоқда. Нишон туманида ташкил этилган тадбирда туманлардаги тегишли ташкилотлар, галла отрядлари раҳбарлари, фермерлар иштирок этди. Тадбирда етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатда, сифатли ва исрофгарчиликларсиз ўриб-йиғиб олиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан эканлиги таъкидланди. Кўргазмали машғулотлар орқали галла ўрими-йиғимида оид юмушларни бажариш юзасидан тавсиялар берилди.

● Урганч шаҳрида «Талабалар баҳори — 2013» фестивали яқунланди. Хоразм вилояти мезбонлик қилган мазкур нуфузли анжуман илм-фанда юксак марраларни эгаллаётган, иқтидорли, фаол ва ташаббускор йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, истиқболли лойиҳа ва илмий ишланмаларини ҳаётга таътиб этишдек эзгу мақсадга хизмат қилади.

● Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида еттига автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш шохобчалари қурилиб, ишга туширилди. Магистраль йўллар ҳудудида барпо этилган ушбу шохобчаларда саксонга яқин ишчи ходим ҳайдовчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатмоқда.

ЖАҲОНДА

● Хитойда «парранда гриппи» деб номланган H7N9 вирусининг янги тури тарқалмоқда. Айни кунларда Цзянсу Чжэцзянь, Анхой, Хэнан музофотларида, шунингдек, Шанхай ва Пекин шаҳарларида ушбу хасталикка чалинганлар рўйхатга олинган. Олимлар ҳозирча ушбу вируснинг табиатини тўлиқ ўрганганларча йўқ. Мамлакатнинг шарқий ва марказий музофотларида вирус 131 кишига юққан бўлиб, уларнинг 36 нафари ҳаётдан кўз юмган.

● Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида «Очик макон» деб аталадиган антиқа мактаб очилди. Ушбу мактаб мамлакатда 1990-йилларда бошланган таълим соҳасидаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлди. Мактабда синфхоналар очик маконга айлантирилган ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва мулоқотида замин яратилди. Мактаб ранг-баранг мебеллар, ўқув ва иш хоналар, кинотеатрлар, ландшафт зоналари ва лабораторияларга эга. Ўқувчилар унча катта бўлмаган гуруҳларда таълим олишдаи ва ҳар бир гуруҳ ўзининг маълум ихтисослашувига эга.

● Германиялик балиқчи Кристиан Йохансен Баренц денгизининг Норвегия қирғоғидан камбаланинг бир тури бўлмиш 194 килограммлик палтус балиғини овлади. Балиқнинг узунлиги салкам 3 метр бўлиб, Кристианнинг сўзларига қараганда, овининг бароридан келиши худди лотереядан миллион доллар ютиб олган билан баробар. Таъкидлаш жоизки, бундан уч йил муқаддам немис балиқчиси Г.Хансел Исландиядан оғирлиги 215 килограммлик палтусни овлаб, Гиннесснинг Рекордлар китобига кирган эди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани Тошкент

шаҳрининг коммунал хўжалиги ва кўп қаватли уйлари кузгиқи мавсумга тайёрлаш мавзуга бағишланди.

✓ **БУГУН** Яккасарой туманида жойлашган 144-умумтаълим

мактабида академик лицей ва касб-хўнара коллежлари ўқувчилари ўртасида спортнинг футбол тури бўйича «Қамолот» кубогининг туман босқичи ўтказилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат санъат ва маданият институтида «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивали ва «Очик эшиklar» ҳафталиги бўлиб ўтмоқда.

Инсон ва қонун

Натижа ҳам шунга яраша бўлапти. Бугун ўзларига яратилаётган имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланаётган ишбилармонлар эришяётган ютуқлар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини намоян этишда асосий далил бўлаётганига барчамиз гувоҳимиз.

Шу билан бирга, ўзининг бизнесини йўлга қўйиш иш-тиёқда бўлиб, ҳуқуқий ёки моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқароларга турли масалаларда имкон даражасида кўмак берилмоқда. Бироқ, ҳоҳида бу борада қабул қилинган тегишли қонун-қоидаларни билмасдан ёки билса ҳам четлаб ўтишни маъқул қўриб, фаолият юритаётган «тадбиркорлар» ҳам учраб турибди.

Ноконуний равишда тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш ва бундай фаолиятга чек қўйиш мақсадида ўтказилган тезкор тадбирда ана шундай бир неча ҳолат аниқланди. Жумладан, Чилонзор туманидаги хонадонлардан бирида давлат рўйхатидан ўтмасдан яширин тикув цехи очиб, иш юритаётган фуқаролар С.Рахманова ва М.Меҳмонқулованинг фаолияти фош этилиб, ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Шунингдек, уларга тегишли бўлган тикув машинаси, аёллар қўйлақлари, дазмол ва бошқа умумий баҳоси 1 миллион 252 минг сўмлик материаллар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Тўпланган ҳужжатлар юзасидан ўтказилган терговолди-текширув ҳаракатлари натижасида оқорида номлари зикр этилган «тадбиркор»лар иш бошлаганликларига ҳали бир ой ҳам бўлмагани, «оёққа туриб олганликларидан кейин тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмоқчи бўлганликларини айтиб, қилмишларидан пўшаймонликларини билдиришган.

Ушбу фуқаролар билан тадбиркорликка оид амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳусусида тушунти-

Юртимиз равнақи ва иқтисодий ўсишини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, айниқса фуқароларнинг турмуш даражасини оширишда тадбиркорларнинг ўрни беқийёслигини яхши биламиз. Шу боис ушбу соҳани ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

иш ишлари олиб борилиши натижасида С.Рахманова ва М.Меҳмонқуловлар жорий йилнинг февраль ойида таъсисчилари Г.Салаева таъсисчилигида «Zufar Baraka Biznes» хусусий корхонасини ташкил этиб, давлат рўйхатидан ўтишгани, шу билан бирга, ўзлари шу корхонага дазмол қилувчи ва тикувчи сифатида ишга киришганини, қолаверса, қўшим-

Мутахассислар томонидан олиб қўйилган ушбу товар-моддий бойликлар 828 минг сўмга баҳоланган. Шунингдек, тўпланган ҳужжатлар бўйича ўтказилган терговолди-текширув ҳаракатлари натижасида «тадбиркорлар» ишни январь ойида бошлаганликлари, ўтган вақт мобайнида топган 850 минг сўм миқдоридagi фойдани ўзаро бўлишиб олганликларини айтиб, энди албатта рўйхатдан ўтиб, фаолият юритишга қарор қилишганлигини билдиришди.

Бунинг натижасида жорий йилнинг февраль ойида иккала тадбиркор ўзаро келишган ҳолда «Shukurov Dilshod Biznes» хусусий корхонасини ташкил этишди ва у давлат рўйхатидан ўтказилди. Тадбиркорлар банкда ҳисоб рақамини очиб, янги иш ўрнига эга бўлишганини, энди қонуний тарзда тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилганликларини айтиб, бу ишда кўмак сифатида олиб қўйилган ускуна ва товарларни қайтариб беришни сўрашган.

Тадбиркорлик фаолиятини қонуний асосларда бошлаган Д.Шукуров ва К.Валитовлар тақдим этган давлат рўйхатидан ўтганликларини тасдиқловчи ҳужжатларини ҳамда улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги Давлат дастурига асосан обод турмуш тарзини ташкил этишда иқтисодий негиз сифатида аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, олиб қўйилган ашёвий далилларини эгаларига қайтариш ва жиноят иши қўзғатилиши рад этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Оқоридагилардан келиб чиқиб шунга айтиш лозимки, тадбиркор қонунлар билан ҳисоблашиб, унинг доирасида иш юритса, албатта, фаолияти эркин бўлади. Буни тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар доимо ёдда тутишлари керак.

Сайёд ДЖУМБАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Тадбиркорлик — қонун ҳимоясида

ҚОНУН ДОИРАСИДА ИШ ЮРИТИШ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

ча яна 3 та иш ўринлари яратилганини билдиришган ҳамда қонуний фаолиятларини амалга ошириш учун зарурлигини инобатга олиб, олиб қўйилган товар-моддий бойликларни қайтариб беришни сўрашган.

Ушбу фуқаролардан олиб қўйилган ашёвий далиллар эндиликда қонуний иш олиб боришга қарор қилган тадбиркорларнинг фаолиятларида ёрдам бўлишини ҳисобга олиб, қонуний эгаларига қайтариб бериш ва жиноят иши қўзғатилиши рад этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Худди шунга ўхшаш ҳолатга тумандаги уйларнинг бирида ҳам гувоҳ бўлинди. Маълум бўлишича, фуқаролар Д.Шукуров ва К.Валитовлар яширин равишда қурилишда ишлатилган шпаклёвка ишлаб чиқарадиган цех очиб, ноконуний «тадбиркорлик» билан шуғулланишяётган экан. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳар бири 20 кг.лик 26 қоп шпаклёвка, вазни 40 кг. бўлган 51 та мел, махсулот қорши ускунаси ҳамда бошқа шу каби жиҳозлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Мазкур халқаро конференцияда АКШ, Италия, Германия, Малайзия, Россия, Қозғоғистон, Молдова, Хитой Халқ Республикасида келган 18 нафар хорижий экспертлар ва депутатлар, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-текшириш марказлари вакиллари, хорижий экспертлар ҳамда худудий хотин-қизлар кўмиталари раислари иштирок этди.

Конференциядан қўзланган асосий мақсад — Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласига эътибор, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш, аёлларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш каби йўналишларда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳалқаро мавқеда очиб бериш ва бу борада хорижий мамлакатлар аёллари билан тажриба алмашишга қаратилди.

Мустақиллик йилларида юртимизда аёлни улуғлаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган барча муҳим ҳужжатлар мамлакатимизда аёллар манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида ислохотлар ривожига ҳамда жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг эътибор марказида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга ҳисса бўлиб қўшилди.

Конференция олдидан чет эллик меҳмонларни юртимизда амалга оширилаётган давлат сиёсати натижалари билан таништи-

риш мақсадида уларнинг «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг аёллар жамоат ташкилотлари фаоллари ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашуви ташкил этилди. Шунингдек, учрашув доирасида тадбиркор аёллар томонидан яратилган миллий махсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Шундан сўнг хорижий экспертлар Тошкент шаҳридаги «Журжон» маҳалласига таширф бўюриб, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида мавжуд бўлмаган маҳалла институти тажрибаси билан танишишди. Кейин улар иштирокида «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси қошидаги «Тиббий ижтимоий» марказга саёхат уюштирилди.

Шу кун Тошкент Фотосуратлар уйида «Шанхай аёллари ҳаётидаги аҳоли бир кун» мавзусида фото-кўргазма ташкил этилди. Халқаро конференциянинг иккинчи кунда пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситинова; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Нодавлат нотихорик ташкилотлари ва фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Эркин Солихов ва бошқаларнинг мамлакатимизда оналик ва болалик муҳофазаси, халқаро ҳамкорлар иштирокида аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар, хотин-қизлар ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимояси, гендер тенглигини таъминлаш мавзуларига оид маърузалари тингланди. Шунингдек, чет эллик экспертлар ҳам хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тўплаган тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикасида ҳўжалик судлари тизими ташкил этилишидан мўқаддам корхона, муассаса ҳамда ташкилотлар ўртасида вужудга келган иқтисодий муаммолар арбитраж идоралари томонидан ҳал этилган. Кейинчалик арбитраж судлар ҳўжалик судлари деб қайта номланиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонун, 1993 йилда қабул қилинган Ҳўжалик-процессуал кодекс ҳамда 1997 йил 30 августда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ҳўжалик-процессуал кодекси ва 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Президентимиз томонидан 1996 йил 25 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2010 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судлари тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари мазкур тизимни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳақамлик судлари фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатлари натижасида юзга келувчи даъво-лашувлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўртасида мавжуд ҳўжалик низоларини ҳал этиш ваколатига эга нодавлат орган ҳисобланади.

Сўнгги вақтларга келиб, Ҳақамлик судлари томонидан иқтисодий-ҳуқуқий низоларни бартараф этишнинг одилона кўриниши сифатида келишув битимининг амалиётда мунтазам равишда қўлла-ниб келиниши тарафларнинг зиммаларидаги мажбуриятларни ихтиёрий равишда бажаришлари-га туртки бўлаётган жараёндир десак, муболага бўлмас.

Ҳўжалик-процессуал кодексида тарафларни муроасага келтириш чоралари сифатида судья томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, шунингдек, қандай тоифадаги низолар бўйича келишув битими тузилиши аниқ кўрсатилмаганилиги туфайли судья тарафларга низоли келишув битими тузиш йўли билан ҳал этишлари мумкинлигини тушун-

тириши даркор. Демак, тарафлар ўртасида вужудга келган иқтисодий муносабатларни келажақда сақлаб қолиш билан бирга уларни ривожлантириш мақсадида келиб чиқувчи келишув битими ёзма шаклда тузилиши, расмийлаштирилиши шарт бўлган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Келишув битимини тузишга ҳалақит берувчи асосларнинг мавжуд эмаслиги аниқланган, ҳақамлик суди ҳал қилув қарори билан мазкур ҳужжатни тасдиқлайди ҳамда тарафлар томонидан имзоланган келишув битимининг матни ҳал қилув қарорига акс эттирилади. Шу ўринда келишув битимини тасдиқлашнинг самарали натижаси ўлароқ, ҳақамлик суди томонидан ўтказилаётган суд муҳока-маси иш юритиш тўхтатилган ҳолда келишув битимини тасдиқла-ган ҳал қилув қарорини мазмунан ижро этиш ишда иштирок этувчи тарафлар томонидан ба-жариш учун мажбурий ҳисоблана-ди, яъни унинг ижро этилиши мажбурий чоралар орқали таъмин-ланиши процессуал қонда тари-қасида қабул қилинганлигини таъ-кидлаш жоиз.

Оқоридаги фикрларимизга яқун сифатида Президентимизнинг судлар ва судьялар тўғрисидаги қўйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиздир: «Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўсига суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя этиши, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлиқ мос келишига бевосита боғлиқ-дир. Суд органлари фаолиятининг бу ҳуқуқий асосини қадам-бақадан такомиллаштириб бориш зарур. Бу ҳуқуқий асос, суд ва судьяларнинг ҳокимиятининг бошқа барча тармоқларидан мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунлишини таъминлаш лозим. Бу ҳуқуқий асос суд тизими-га нопок, порахўр ва тасодди-фий қимсалар кириб қолишига йўл қўймаслиги лозим».

Комил ТОЛИПОВ,
Ўзбекистон ҳақамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали бошлиғи
Дурдона ФАЙЗИЕВА,
Ҳамза тумани ҳақамлик суди судьяси



маларини қайд этиш қоидалари»нинг 18-бандида шундай белгиланган: «Туғилганликни қайд этиш учун тиббиёт муассасасининг бўла туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотномаси, ота-оналарнинг паспортлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гербли гувоҳнома ёки оталиқ белгиланган ҳақидаги ариза тақдим этилади.

Ота-оналардан бирининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган алоҳида ҳолларда ФХДЭ органи туғилганликни қайд этишни рад қилиши мумкин эмас. Ҳужжатлари бўлмаган ота ёки она ҳақидаги маълумотлар никоҳ ёки аввалги болаларининг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувлари асосида кўрсатилди.

Ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда боланинг туғилганлигини қайд этиш жараёни тиббиёт муассасаси маъмурияти ва ҳомийлик органининг аризаларига асосан амалга оширилади».

Агар солиқ тўловчи вафот этса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш унинг меросхўри зиммасига юклатиладими? Мабодо мерос қиймати солиқ мажбурияти суммасидан қам бўлса, тўловлар қай тартибда амалга оширилади?

Н.Тўхтаева,
Қорасув даҳаси

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 52-моддасига асосан: вафот этган шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкни қабул қилган меросхўрлари томонидан, мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улушга муносиб равишда, мерос қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан бажарилади. Вафот этган шахс тўлаши лозим бўлган пеня ёки жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрларга нисбатан таъбиқ этилмайди.

Вафот этган шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти суммаси мерос қилинган мол-мулк қийматида ортиқ бўлган тақдирда, қарзининг қолган суммаси — умидсиз қарз деб эътироф этилади. Агар меросхўр бўлмаган тақдирда — бундай қарз умидсиз қарз ҳисобланади.

Марҳумнинг жисмоний шахслардан олинган даромад солигини тўлаш бўйича қарзи — умидсиз қарз деб эътироф этилиши белгиланган.

Гулбаҳор ҲАКИМОВА,
Олмазор туманидаги 3-сонли ДНИ нотариуси

ИЛМ-ФАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш мақсадида илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялаштиришни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти ҳам бу борадаги ишларга ўзининг фаол ҳиссасини қўшмоқда. Мазкур институт директори, кимё фанлари доктори Бахтиёр ЗОКИРОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига институт фаолияти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Институтимизда олиб борилаётган тадқиқотлар кимё ва нефть-газ тармоқлари корхоналарининг эҳтиёжларига қаратилган, — дейди Б.Зокиров. — Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида иқтисодиётимиз инновация йўлидан изчил ривожланмоқда. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, махсулотлар турларини кенгайтириш ва таннархини камайтириш иқтисодий йўналишларининг энг муҳим мақсади сифатида белгилаб берилди. Олимларнинг бу борадаги вазифаси ишлаб чиқаришда махсулотни маҳаллийлаштириш, экспорт улушини оширишга ёрдам берадиган ишланмаларни яратишдан иборатдир.

Бугун инновациялар кўпгина корхоналарда фаол қўлланилмоқда, илм-фан вакиллари турли ишлаб чиқариш тармоқлари билан бевосита ҳамкорлик қилмоқда. Масалан, институтимиз томонидан «Фаргонаазот» очик акциядорлик жамияти билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик самарасида такомиллаштирилган «Супер ХМД-ж» ва «УзДЭФ» дефлюантларини ишлаб чиқариш борасида шартномалар тузилди. Улардан фойдаланиш ҳосилдорлиқни гектаридан 1,5-2,5 центнергача ошириш имконини бермоқда.

Бўхоро нефтни қайта ишлаш заводи олимларимиз ишланмалари асосида маҳаллий углеводород хомашё — нефть ва газ конденсатидан фойдаланган ҳолда, газ турбинали двигателлар учун экологик тоза «Жет А-1» авиация ёқилгисини ишлаб чиқармоқда. Заовд махсулотлари ички бозорга, хусусан, «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпаниясига етказиб берилмоқда ва экспорт қилинмоқда.

Яна бир янгилик — термик жиҳатдан барқарор аммиак селитрасини ишлаб чиқариш технологияси «Навоийазот» ва «Фаргонаазот» корхоналарида жорий этилди. Аммиак селитрасини ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашё — фосфорит унідан фойдаланилмоқда. Илгари ушбу хомашё ўрнига брусит сотиб олинар эди. Бундай ҳамкорлик натижасида бир миллион доллардан ортиқ бюджет маблағи тежалиб, сифатли махсулот — азот-фосфор ўғитлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозиргача қиймати 100 миллиард сўмликдан ортиқ махсулот тайёрланди, 5 миллион доллардан зиёд қийматга тенг махсулот экспорт қилинди. Бундай ўғитларни қўллаш самарасида бир гектардан олинандиган ҳосилдорлик 4 центнерга ошди.

Маҳаллий кўмир адсорбентларидан фойдаланган ҳолда оқава сувлар ишлаб чиқаришни тозалаш технологияси, кимё ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган кислоталар чидамли янги цемент ҳам институтимиз ишланмалари сирасига кирди. Бундан ташқари, институтимизда ишлаб чиқилган технология асосида Ангренда қазиб олинган кўмирдан суспензия олиниши йўлга қўйилди. Ундан худудларда газ ва мазут ўрнида фойдаланиш мўлжалланмоқда. Бу ёқилги таннархини сезиларли даражада пасайтиришга хизмат қилмоқда.

Институтимиз олимлари томонидан «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган технология асосида «Аммофос-Максам» корхонасида қилқоқ ҳўжалик экнилари ҳосилдорлигини оширадиган супрефос ишлаб чиқарилаётгани ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда. Илгари аммофос ишлаб чиқаришда фосфогин чикиндаги чиқаришлар ва бу экологияга зарар етказишидан ташқари ортиқча сарф-харажатларга ҳам олиб келар эди. Энди чиқиндиларнинг 35 фоизи супрефос ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда. Шу кунгача 1 миллион 600 минг тоннадан ортиқ шундай махсулот тайёрланди. Институтимизнинг «Ўзкимёсаноат» ва «Ўзбекнефтьгаз» корхоналари билан ҳамкорликдаги инновация ишланмалари бўйича 934,4 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, қиймати 191,7 миллион долларлик махсулот экспорт қилинди.

Яқинда бўлиб ўтган VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида институтимиз олимлари мамлакатимиз корхоналари билан умумий қиймати 2 миллиард 460 миллион сўмга тенг 29 ҳўжалик ва лицензия шартномасини тузди.

Ушбу ишланмаларни тайёрлашда илмий жамоамизнинг катта қисмини ташкил этувчи ёш олимлар ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Турдош олий ўқув юртлири билан йўлга қўйилган ҳамкорлик туфайли илмий тадқиқотларда магистр ва бакалаврлар ҳам иштирок этмоқда. Ёш ходимлар замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, кимё тармоғида тадқиқотларни амалга оширишнинг илгор услубларини ўзлаштирмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Ирина ДОЛЕНКО
ёзиб олди

Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» ҳамда «Барҳаёт аънаналар» кўрик-танловларининг ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги шаҳар босқичи ўтказилди.

Кўрик-танловлар Тошкент шаҳридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда Ватан тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук кўшиқлар яратиш кўникмасини ҳосил қилиш, халқ ижодиёти дурдоналарини, фольклор санъатини янада ривожлантириш, халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатларини келажагимиз ворислари бўлган ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилди.

Коллежга кираверишда Ватани тараннум этувчи баннерлар илинган, ўқувчилар томонидан тайёрланган ижодий ишлардан кўргазмалар ташкил этилган. Карнай-сурнай садоқлари остида миллий либосдаги ўқувчи-қизлар ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олишди.

— Тошкент шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги 119 та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 136883 нафар ўқувчилар таҳсил олади, ёшларга 10512 нафар ўқитувчи-педагоглар таълим-тарбия беради, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Замира Азимбаева. — Бошқарма ва унинг тасарруфи-

ларга бойлиги, унинг мазмундорлиги, халқчиллиги, Ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат гоёлари билан йўғрилганга эътибор қаратилар.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови голиби деб Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежининг 3-босқич талабаси Дилрабо Турғунова топилди. Ҳис-ҳаяжонининг чегараси йўқ голибани сўхбатга тортдик.

— «Ягонасан, муқаддас Ватан!» танловида биринчи даражали дипломни кўлга киритганимдан жудам хурсандман, — деди у. — Бундай



БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР ТАРАННУМИ

даги таълим муассасалари томонидан ёш авлодга халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган қадриятлари, эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида қўйилган олий мақсад ва вазифаларни сингдириш, уларни гоёвий таҳдид ва паст савияли «оммавий маданият», бошқа турдаги ёт гоёларнинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилишга қаратилган маърифий таъдбирларни ташкил этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» ҳамда «Барҳаёт аънаналар» кўрик-танловларининг ўтказилиши ўқувчиларнинг она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида улғайишлари учун туртки бўлади. Бу йилги кўрик-танловнинг 1-босқичида бошқарма тасарруфидаги таълим муассасаларининг 2354 нафар ўқувчилари иштирок этиб, уларнинг 90 нафари танловнинг шаҳар босқичида қатнашди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови иштирокчилари маҳоратини баҳолашда ҳакамлар ҳайъати қўшиқ мусиқасининг оригиналлиги, матннинг таъсирчан бадиий образ-

фахрли ўринни олишимда менга ёрдам берган устозим Даврон ака Қодировга ва барча мураббийларимга миннатдорчилик билдираман. «Диёримсан» кўшигини ижро этдим. Биринчи ўринни эгаллайман деб ўйламагандим. Республика босқичида ҳам фахрли ўринни кўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Ҳакамлар ҳайъати «Барҳаёт аънаналар» кўрик-танловида фольклор дасталари томонидан аънана, маросимлар, урф-одатларнинг акс эттирилиши, қадимий халқ кўшиқларининг Эта жанр бўйича намунавий ижроси, ҳудудга хос халқ рақсларидан намуналар ижро этилиши, халқ озаки бадиий ижодини кўрсата билишлари ҳамда либосларининг сахна кўринишига мослигига эътибор қаратишди.

— Бугун мусиқий таълим йўналишида таҳсил оладиган ўқувчиларимиздан иборат «Ражабий ниҳоллари» фольклор дастамиз ўз иктидорини намойён этди, — дейди Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежининг мусиқа таълим бўлими бошлиғи Адиба Аҳмеджанова. — Ўқувчиларимиз фольклорга бўлган муҳаббатларини, аънаналаримизга

содиклигини, урф-одатларимизни авлоддан-авлодга етказиш учун яратилган барча манбалардан фойдаланиши, кўрик-танловга тайёргарлик кўришди. «Барҳаёт аънаналар» кўрик-танловини ўтказишдан асосий мақсад ёшларни фольклор, қадимги аънаналаримизни давом эттириш, фольклор санъати намуналарини сахнада намойён этиб, тарғиб қилиш орқали ижрочи ёшларни аниқлаб, уларни рағбатлантиришдан иборатдир. Бугунги кунда биз ёш авлодни Ватанга муҳаббат, урф-одатларимизга бўлган ҳурмат руҳида тарбиялашимиз лозим.

«Барҳаёт аънаналар» кўрик-танловида Тошкент маданият коллежи ўқувчиларидан иборат «Гулшод» ансамбли голибликни кўлга киритди.

Ушбу икки танловда биринчи ўринни кўлга киритган ўқувчи-ёшлар кўриқларининг республика босқичига йўлланма олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА
Испом Исмоилов олган сурат

5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизда 5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан экология ҳафталиги бошланди. Тадбир Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳафталикнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш куни ҳар йили экологиянинг муайян долзарб муаммосига бағишланади. Жорий йил чиқиндилар масаласи кун тартибига қўйилган.

Бугунги кунда бутун дунёда ҳўжал феолиятда ва ишлаб чиқариш жараёналарида табиатга тонналаб чиқиндилар ташланади. Бу табиий ресурслар исроф бўлишига ва тева-рак-атроф ифлосланишига сабаб бўлади. Шу боис, барча тармоқларга ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш, чиқиндилардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиш, чиқинтилarning инсон саломатлиги ва табиий муҳитга салбий таъсирини камайтириш долзарб вазифасига айлانган.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунни бу

борадаги ишларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда чиқиндиларни қайта ишлайдиган корхоналар сафти тобора кенгайиб бормоқда. Чиқиндилар зарарсизлантириш, маъийи чиқиндиларни марказлашган тарзда йиғиш ва ташиб кетиш ишлари тизимли йўлга қўйилган.

Экология ҳафталигини ташкил этишдан мақсад ана шундай муҳим жараёнларга кенг жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш, барқарор ривожланишга хизмат қиладиган инновацион лойиҳаларни жорий этиш, эколог лойиҳалар кўламини янада кенгайтиришдан иборат.

5 июнга қадар давом этадиган ҳафталик доирасида журналистлар учун брифинг, пойтахтимизда ва вилоятларда экологик акциялар, анжуманлар, танловлар, табиий ресурсларни тежашга хизмат қиладиган энг яхши тажрибанинг намойишлари бағишланган медиатурлар ташкил этиш режалаштирилган.

Тадбирда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида яратилган Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид янги миллий маърузанинг тақдими ўтказилди. Ушбу нашрда мамлакатимизда кейинги йилларда экология соҳасида амалга ошириладиган ишлар, эришилаётган юксак самаралар, ечимини кутаётган масалалар атрофлича таҳлил этилган.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Маълумки, мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада олиб борилаётган ислохотлар замирида ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашларини таъминлаш устувор вазифа саналади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни, уйғун камол топаган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган янги тизим яратилганини кенг жаҳон жамоатчилиғи ҳам эътироф этмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори сўзсиз бу борада олдинга ташланган яна бир улкан катта қадам бўлди.

Ушбу қарорда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, чет тилларда эркин сўзлашга оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланиш, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш учун улкан шарт-шароит ва имкониятлар яратиши кўзда тутилган.

Шу кунларда барча бўғиндаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар орасида чет тилини, айниқса инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бунда илғор ахборот ва медиа-технологиялар-

Қарор ва ижро

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

дан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунки, таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш ҳам галдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда мамлакатимизда ахборот технологияларидан мукамал фойдалана оладиган ёшларни тарбиялаш, уларни турли хил ахборот хуружларидан ҳимоялашга қаратилган қатор намуналы ишлар олиб боришмоқда.

Таълим муассасаларида ўқувчиларга чет тили, жумладан инглиз тилидан мазмунли дарс бериш, ўқув машғулоти доирасида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Халқимизда «Тил билгани эл билади» деган нақл бор. Бу нақлда нақадар чуқур ва теран маъно мужассам эканлигини ҳис этиш қийин эмас. Шу боис, Ўртбошимиз томонидан қабул қилинган мазкур қарор халқимизнинг азалий қадриятларини тиклашга ҳам хизмат қилад деб айтиш мумкин.

Мазкур қарор ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш билан бир қаторда ёшларимизнинг баркамол авлод сифатида камол топишида, жаҳон цивилизацияси ютуқлари билан қийндан танишиб боришида, қолаверса халқаро ҳамкорлик миқёсида муҳим аҳамиятга эга.

ёнида илғор педагогик тажриба ва компьютер техникасидан интерфал фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Мультимедиа технологиялар аппаратли воситалар ёрдамида ахборотни овоз, видео ва кинофрагментлар, мультимедиа билан бирлаштириш имкониятини яратди. Шунинг учун таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганиш бора-сида замонавий илғор ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Халқимизда «Тил билгани эл билади» деган нақл бор. Бу нақлда нақадар чуқур ва теран маъно мужассам эканлигини ҳис этиш қийин эмас. Шу боис, Ўртбошимиз томонидан қабул қилинган мазкур қарор халқимизнинг азалий қадриятларини тиклашга ҳам хизмат қилад деб айтиш мумкин.

Мазкур қарор ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш билан бир қаторда ёшларимизнинг баркамол авлод сифатида камол топишида, жаҳон цивилизацияси ютуқлари билан қийндан танишиб боришида, қолаверса халқаро ҳамкорлик миқёсида муҳим аҳамиятга эга.

Нодира АЗИЗОВА,
Тошкент банк коллежи
инглиз тили ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида» ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик лавозимига		
1	Тошкент Автомобиль ва йўллар институти қошидаги Учтепа академик лицейи	Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 31-мавзё

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

2. Таржимаи хол.
3. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусха-си.
4. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.
5. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
1. Сўровнома (справка-объективка).

6. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
7. Паспорт (нусхаси).
8. Тавсифнома.
9. Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан ном-зодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

Таълим

ПЕДАГОГИКА ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўқитувчилар малакасини оширишда замонавий педагогик технологияларни дарс машғулотида қўллаш борасида ўзаро фикр алмашиш таълимдаги устувор масалалардан саналади. Айниқса, сурдопедагог, олигофрения, логопедия каби дефектолог ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар бўйича билим, кўникмаларини ошириш республикамизда махсус педагогиканинг тараққиётига хизмат қилад.

Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда махсус таълим муассасалари педагогларининг малакасини ошириш жараёни «2+2» шаклида ўқув режаси асосида олиб боришмоқда. Унда иккитомли фанлар билан бир қаторда, «Махсус педагогиканинг долзарб масалалари», «Махсус психологиянинг долзарб масалалари», «Ахборот технологиялари» каби умумқасбий фанлар ҳам ўқитилмоқда. Малака ошириш режаси 144 соатга мўлжалланган бўлиб, унда тингловчилар «Махсус таълим назарияси ва ўқитиш методикаси», «Махсус таълимда педагогик технологиялар», «Махсус таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш» каби мутахассислик фанлари бўйича мамлакатимиздаги қатор таниқли олимларнинг маърузаларини тинглашга муваффақ бўлиб.

Муҳими, малака ошириш кўрсаткичи педагогика фанлари доктори, профессор Ўбайда Фаизова, педагогика фанлари номзоди доцент Дилдора Назарова, педагогика фанлари номзоди доцент Феруза Қодирова, Гулноза Алминова, Фахриддин Тоҳидинов, Равшан Кенжаев каби иштирокчи ўқитувчилар билан махсус педагогикага доир фанлар бўйича малакаларимизни оширдик. Шу билан бирга соҳада педтехнологияларни қўллаш борасида мутахассис устозлар билан ўзаро фикр алмашидик.

Малака ошириш курси машғулотида давомидан турли вилоятлардан келган тингловчилар амалий машғулотларни Олма-зот туманидаги 106-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда олиб боришди.

— Малака оширувчи сурдопедагоглар мактаб-интернатимиздаги асосан бошланғич синф дарсларини қўзатиб, ўзаро тажриба алмашишди, — дейди 106-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори Мухтабар Алиштаева. — Жумладан, Хоразм вилоятидаги 96-сон махсус мактаб-интернати ўқитувчилари Д.Қурбанбаева, Г.Жабборовалар 3-синф дарсларига кириб ўзаро тажриба ўрганиб, машғулотларни педтехнологиялар асосида олиб боришнинг янги услубларини таҳлил қилишди.

Шунингдек, Андижон вилояти 17-қар болалар интернати ўқитувчилари Н.Мўминова, Г.Тешабоевалар 2-синф дарсларини қўзатишди. Бундан ташқари Ф. Шерикеева, З.Худойбергенова, Д.Бегимқуллова, И.Илашева, Х.Раҳматуллаева ва бошқа сурдопедагог ўқитувчилар 106-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда амалий дарс машғулотларини ўтказишди.

Маалоҳат МУҲАМЕДОВА,
106-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати бошланғич синф ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф қилади!

«Continental Estate Advisory Group» МЧЖ томонидан 2013 йил 4 июль соат 11:00да объект бошланғич баҳоси босқичида-босқичи охири бораи тартибдаги ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли икки варақаларига асосан хатланган қиймдаги кўчмас мулк объектлари қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 1-хонадон, умумий майдони 118.94 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 2 қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 255 151 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 2-хонадон, умумий майдони 118.21 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 253 586 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 3-хонадон, умумий майдони 118.94 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 3-қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 259 715 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 4-хонадон, умумий майдони 118.21 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 3-қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 258 122 000 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 5-хонадон, умумий майдони 118.94 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 4-қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 259 273 000 сўм.

6. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 6-хонадон, умумий майдони 118.21 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 4-қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 258 122 000 сўм.

7. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 7-хонадон, умумий майдони 241.81 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 5-қаватида жойлашган 6 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 527 113 000 сўм.

8. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 8-хонадон, умумий майдони 239.4 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 5-6-қаватида жойлашган 6 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 521 559 000 сўм.

9. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 9-хонадон, умумий майдони 118.21 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 258 122 000 сўм.

10. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 10-хонадон, умумий майдони 118.94 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 259 150 000 сўм.

11. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 11-хонадон, умумий майдони 118.21 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 3-қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 258 122 000 сўм.

12. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 12-хонадон, умумий майдони 118.94 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 2-қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 259 273 000 сўм.

13. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 13-хонадон, умумий майдони 118.94 м² тенг бўлган, 6 қаватли бинонинг 4-қаватида жойлашган 3 хона бўлган яшаш хонадони.

Бошланғич баҳоси – 257 747 000 сўм.

Болажонларнинг сеvimли байрами — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни юрти-мизнинг барча гўшаларида кенг нишонлан-моқда. Маҳаллаларда, Меҳрибонлик уйла-ри, махсус мактаб-интернатлар, мактабгача таълим муассасалари, ихтисослаштирилган тиббиёт масканларида ижтимоий акциялар, хайрия тadbирлари, концертлар, фестивал-лар бўлиб ўтмоқда.

Шу муносабат билан Фафур Фулом номи-даги маданият ва истироҳат боғида ўтказил-ган тadbир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчили-к болалар жамғармаси, Ўзбекистон Респу-бликаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Адлия вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқа-ро хайрия жамғармаси, «Камолот» ЕИХ Тош-кент шаҳар бўлими ҳамда қўлаб давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унга пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уй-лари ва махсус мактаб-интернатлари тарбия-ланувчилари, маҳаллаларда истиқомат қи-лаётган кам таъминланган оилалар фарзанд-лари таклиф этилди.

«Хар бир болага меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида ўтказилган тadbир эрта тонгдан қарнай-сурнай садолари остида бо-лажонларни кўтиб олиш билан бошланди. Болалар бадий жамоалари иштирокидаги концерт дастури кичкинтойларга олам-олам завқ улашди. Интеллектуал викториналарда болакайлар ўз билимини синодан ўтказиш-ди. Шунингдек, асфальтга расм чизиш бўйича кўрик, «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шiori остидаги танлов, болалар расмлари кўргазмаси уларнинг қувончига қувонч қўшди.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федера-цияси Кенгаши томонидан маҳаллаларда ис-тиқомат қилаётган кам таъминланган, боқув-чисини йўқотган оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига совғалар улаштилди.

— Бугунги тadbирда биз «Касаба уюшма-лари — болаларга» акциясини ўтказмоқда-миз, — дейди Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳ-



БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ВА ЗАВҚЛИ БАЙРАМИ

Мамлакатимизда болалар манфаатлари ҳимояси, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбияси масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мазкур йўналишларда амалга ошириб келинаётган тизимли ишлар бугун ижобий самарасини бермоқда. Бу борадаги ютуқ ва муваффақиятлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилиб, юқори баҳоланмоқда.

бари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Эртамиз эга-ларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзанд-ларини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш бо-расида бир қатор ишларни амалга оширя-миз. Жумладан, 31 ва 24-Меҳрибонлик уй-лари тарбияланувчиларига Ўзбекистон каса-ба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизи-мидаги «Кўёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳига бепул йўлланмалар берилди. Бундан ташқари маҳаллаларда истиқомат қиладиган кам таъминланган оилалар фар-

зандларига пойтахтимиздаги хайвонот, бо-таника ҳамда маданият ва истироҳат боғла-рига бепул чипталар берилди.


Шунингдек, тadbир доирасида Ўзбеки-стон Республикаси Адлия вазирлиги томони-дан «Эртамиз бугундан бошланади — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясининг Ўзбекистондаги аҳамияти» китоблар кўргаз-маси ташкил этилди.

Адлия органлари ходимлари томонидан болалар ижтимоий ҳуқуқларининг кафолат-ланиши, уларнинг ҳуқуқий тарбиясини ях-шилаш, шу соҳага оид қонунчиликни ри-

вожлантириш масалалари юзасидан атроф-лича маълумотлар берилди. Болаларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида викторина ҳам ташкил этилди. Унда фаол иштирок этганларга бола ҳуқуқларига оид буклетлар, дисклар тарқатилди ва голибларга эсдалик совғалари топширилди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова қат-нашди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Қарз — елкадаги юк.

Вақт — дононинг сармоя-си.

Таъмининг доим кўзи тўрт.

Гина-кудурат марднинг иши эмас.

Ҳаёт ғаму ташвишлари дўстлиқни синодан ўтка-зиди.

Бор-йўқлиги билинмайдиган киши билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Тушкун кишига ҳаёт завқи татимаиди.

Ишни қандай бошлаганинг эмас, қандай тугатганинг ҳисоб.

Оғир кунингга ярамаган дўстнинг боридан йўғи яхши.

Ўзидан беҳабар бошқани гап қилади.

Аслида ҳаммага айб тўнказан кишининг айби кўп бўлади.

Худбиннинг дўстлиги душ-манликдан баттар.

Ожиз тилига эрк беради.

Донога ақл беради, нодон-га қуруқ гап.

Ёмон тарбиянинг охири вой.

Соғлиқнинг ўзи энг катта имконият.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт янгиликлари

ПЕШҚАДАМ ЖАМОА ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Хусусан, турнинг марказий баҳси Қар-шида бўлиб ўтди. Унда совринли ўрин-ларга давogar жамоалар — «Насаф» ва «Локомотив» ўзаро беллашди. Шид-датли курашларга бой, қизиқарли кеч-ган учрашув майдон эгаларининг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Ўтган йилги Ўзбекистон Кубоги со-ҳиби ва қумуш медаллар совриндо-ри «Бунёдор» жамоаси эса ўз май-донида «Шўртан» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб яна турнир жадалида яқка пешқадам

Мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 9-тур беллашувларидан кейин мағлубиятга учрамаган бирорта команда қолмади.

бўлиб олди.

Мамлакатимизнинг амалдаги че-пиони «Пахтакор» ҳам ушбу турда му-ҳим уч очкога эга бўлди. Зарафшон-да «Қизилқум» жамоаси меҳмони бўлган пахтакорчилар ҳам рақиб дар-возасига битта гол киритиб ўз дар-

возалари дахлсизлигини сақлаб қолишди.

Қолган учрашувларда куйидаги на-тижалар қайд этилди: «Гулистон» — «Металлург» — 2:1, «Олмалик» — «Не-фтичи» — 3:1, «Бухоро» — «Навбахор» — 1:1, «Сўғдиёна» — «Динамо» — 4:3.

ҲАМЮРТИМИЗ — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Пауэрлифтинг спорт турлари орасида мамлакатимизда эндигина омалашаётгани барчага маълум.

Лекин кейинги йилларда пауэрлифтинг бўйича уюштирилаётган халқаро мусобақалар-да юртдошларимизнинг муваффақиятли қат-нашиб, совринли ўринларни эгаллашаётгани қувонарли.

Яқинда Литвада пауэрлифтинг бўйича ташкиллаштирилган жаҳон чемпионати сер-қуёш диёримиз ёшлари орасида ушбу спорт турига қизиқиш кучайиб бораётганлигини яна бир қарра исботлади. Чунки нуфузли тур-нирда 52 килограммгача вазнлилар ўртаси-даги баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Рамилия Сирожиддинова иккинчи ўринни эгаллади ва Тошкентга қумуш медаль билан қайтди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Жорий йил июнь-июль ойларига Туркияда футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати уюштирилишидан мухлисларимизнинг хабари бор албатта.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАСИ

Йигирма ёшли чарм тўп усталари ўртасида ташкил этилаётган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Аҳмаджон Муса-ев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Тош-кентда ўқув-йигин машғулотларида иштирок этди. Жаҳон чемпиона-тига тайёргарлик вазифасини ўтайдиган ўқув-йигин машғулотлари доирасида терма жамоамиз Ироқ ёшлар термаси билан Тошкентда назорат-ўртоқлик учрашувида ўзаро куч синашди. Қизиқарли ҳамда ҳамюртларимизнинг устунлигида кечган баҳс 2:0 ҳисобида Аҳмад-жон Мусоев шогирдларининг ғалабаси билан якунланди. Энди ёшлар терма жамоамиз Испанияга сафар қилади ва Европанинг футболи анча ривожланган ушбу мамлакатда ўқув-йигин машғулотларини давом эттиришади. Машғулотлар доирасида Испания ҳамда Чили ёшлар терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувларида куч си-нашадиган ёшлар терма жамоамиз аъзоларининг жисмоний ва ру-ҳий имкониятлари яна бир қарра мураббийлар назаридан ўтади.

Дарвоқе, Туркияда ўтадиган жаҳон чемпионатида ёшлар терма жамоамиз Хорватия, Уругвай, Янги Зеландия жамоаларига қарши бир гуруҳда голиблик учун кураш олиб боради.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштириляпти. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тadbирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, уни ёнғинларнинг олдини олишга жалб қилишдан иборат.

«101»

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

«Тилсиз ёв» билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизма-ти ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шior ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Аҳолининг қўйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: — очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;

— электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва қўлбо-ла тарзда тайёрланган шундай асбоблардан фойдаланмаслик.

Юртимдаги ўшах қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йил-лаб йиққан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса, ўзининг ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади.

Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Дарҳақиқат, агар биз қундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда

бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганининг гувоҳи бўламиз. Билиб туриб ўзимизни ва мол-мулкимизни хатар-га қўямиз. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлаша-ди. Худди шундай ҳолларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жой-ларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир беғамроқ бекаларимиз эса газ плиталарида овқат қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қол-моқдалар. Ёнғин нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини қулга айлантиради, балки ушбу офат қўлаб инсонлар ҳаётини, соғлиги-ни, ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлан-тиради. Шунинг учун биз ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳалла фаоллари, барча инсонларни, хонадон эгаларини, фарзандлари-мизни огоҳликка чақирамиз.

В.АБИДОВ,
23-ХЕХК бошлиғи, майор



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95.
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11837 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета тахририят қўғиштер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 641

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.20